

## Туман (шаҳар) статистика бўлимнинг вазифалари, функциялари ва мажбуриятлари

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
	<b>II. Асосий вазифалари</b>	
	давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ва статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш;	
	халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шакллари жорий этиш;	
	ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш;	
	давлат органларини, юридик шахсларни ва аҳолини (ҳудуд номи) тумани (шаҳри) бўйича статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлаш;	
	Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини, статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистик классификациялар тизимини юритишда иштирок этиш;	
	ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;	
	Бўлимнинг иш усуллари ва шакллари янада такомиллаштириш, фуқароларнинг муносабатларига ўз вақтида муносабат билдириш, юкланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимлар масъулиятини ошириш.	
	<b>III. Асосий функциялари</b>	
	<b>а) давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ва статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш борасида:</b>	
	давлат статистикаси тамойилларига риоя этилишини ва халқаро стандартларга мувофиқ бўлган статистик методологиянинг ягоналигини таъминлайди;	<p>ҳудуддаги барча хўжалик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни билан белгилаб қўйилган давлат статистикаси тамойилларига риоя қилинишини ташкил этади ва назоратини олиб боради;</p> <p>ҳисобот тақдим этувчи ва кузатувга тушган субъектларга Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда статистика соҳасига оид меъёрий –ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича (бевосита тушунтириш ўтказиш, семинарлар, “Очиқ эшиклар куни”, давра суҳбатлари, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, кўргазмалар, стендлар ташкил этиш, қўлланмалар тарқатиш орқали) ишларни ташкил этади;</p> <p>статистик маълумотлардан фойдаланувчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда Давлат статистика ишлари дастурига киритиш</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
		<p>учун таклифлар тайёрлайди ва бошқармага тақдим этади;          статистик ҳисоб-китобларни қатъий равишда Давлат статистика қўмитаси томонидан қабул қилинган методологик қўлланмалар асосида амалга оширилишини таъминлайди.</p>
	<p>Бўлимнинг таҳлилий салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича зарур чораларни кўради;</p>	<p>худудни ривожлантириш мақсадли дастурлари, шунингдек худудий статистика бошқармаси томонидан ижроси белгиланган мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши ҳолати тўғрисида тегишли статистик-таҳлилий материалларни ўз вақтида, сифатли ва ишончли тайёрланишини ташкил этади;          худудни ривожлантириш мақсадли дастурлари амалга оширилишининг бориши юзасидан шакллантирилган маълумотлар асосида таҳлилий маълумотномалар тайёрлайди;          худудни ривожлантириш мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши ҳолати мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш учун тайёрланган статистик-таҳлилий материалларни маҳаллий давлат ҳокимияти, тегишли давлат бошқаруви органлари ҳамда худудий статистика бошқармасига тақдим этади;          оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказиш учун худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари, амалга оширилаётган ислохотлар натижалари тўғрисида таҳлилий маълумотларни шакллантиради.</p>
	<p><b>б) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ва давлат статистика кузатувлари шакллари жорий этиш соҳасида:</b></p>	
	<p>туман (шаҳар)да давлат статистика кузатувлари шакллари жорий этилишини ташкил этади, жумладан ҳисобот тақдим этувчи субъектларни тасдиқланган давлат статистика ҳисоботи шакллари тўғрисида хабардор қилади ҳамда уларни электрон шаклда тўлдириш ва тақдим этиш бўйича тушунтиришлар беради;</p>	<p>ҳисобот тақдим этувчи субъектларни, шу жумладан янгидан ташкил этилган субъектларни тасдиқланган давлат статистика ҳисоботи шакллари ҳамда уларни тақдим этиш муддатлари тўғрисида хабардор қилади;          ҳисобот тақдим этувчи субъектлар, шу жумладан янгидан ташкил этилган субъектларни электрон шаклда тўлдириш ва тақдим этиш бўйича тушунтиришлар беради;</p>
	<p>давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологиясига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилишини таъминлайди;</p>	<p>ҳисобот топширувчи субъектлар томонидан давлат статистика ҳисоботларини қатъий равишда Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳисобот шакллари асосида тақдим</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
		<p>этилишини ташкил этади ва назорат қилади;</p> <p>зарур ҳолларда ҳисобот топширувчи субъектларни ҳамда танлама кузатувга тушган субъектларни қоғоз шаклида давлат статистика ҳисоботи ҳамда танланма кузатувлар шакллари билан таъминлайди;</p> <p>ҳудудда давлат статистика кузатувларини қатъий равишда Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган кузатув шакллари ва методология асосида, кузатув учун танлаб олинган жойлар ва субъектлар бўйича, белгиланган муддатларда ва тўлиқ ўтказилишини ташкил этади.</p>
	<p><b>в) ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:</b></p>	
	<p>Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таъминлайди;</p>	<p>Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида туман (шаҳар) статистика бўлимлари томонидан бажарилиши белгиланган статистика ишларини белгиланган муддатларда ва тўлиқ бажарилишини ташкил этади;</p> <p>бажарилган статистика ишлари бўйича якуний чиқиш ҳужжатларини (жадваллар, бюллетенлар ва ҳ.к.) шакллантиради, расмийлаштиради ва тегишлигига қараб тақдим этилишини ташкил этади;</p> <p>ҳар ой якунлари бўйича бажарилган статистика ишлари натижалари тўғрисида далолатномани расмийлаштиради ва белгиланган тартибда бошқармага тақдим этади;</p> <p>бошқарма томонидан белгиланган статистика кўрсаткичлари бўйича динамик қаторларни шакллантиради ва доимий равишда тўлдириб борилишини таъминлайди.</p>
	<p>туман (шаҳар) бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат ва ҳудудий дастурларининг бажарилиши юзасидан Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган давлат статистика кузатувларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этади;</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимликлар томонидан тасдиқланган туман (шаҳар) ҳамда иқтисодиёт тармоқлари бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилиши юзасидан Давлат статистика қўмитаси белгиланган давлат статистика кузатувларини амалга оширади;</p> <p>кузатув якунлари бўйича маълумотларни қайта ишлайди, таҳлил</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
	<p>давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йиғишни, рўйхатдан ўтказишларни, бир марталик ҳисобга олишларни, сўровларни ва бошқа кузатувларни Давлат статистика кўмитаси томонидан тасдиқланган шакллар ва методологияга қатъий амал қилган ҳолда ташкил этади ва таъминлайди;</p>	<p>этади, умумлаштиради ва белгиланган тартибда тақдим этади.</p> <p>ҳар бир ҳисобот шакли бўйича ҳисобот тақдим этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхатини мавжуд бўлишини таъминлайди;</p> <p>ҳар бир ҳисобот шакли бўйича электрон шаклда тақдим этилган ҳисоботлар қамровини таҳлил қилиб боради;</p> <p>қоғоз шаклида тақдим этилган ҳисоботларни қабул қилади, таҳлил этади, умумлаштиради ва қайта ишлаш учун бошқармага юборади;</p> <p>техник сабабларга кўра, электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этишда ҳисобот топширувчи субъект томонидан белгиланган муддатларда Хабарнома, Маълумотнома ёки Кўрсатмани олмаганлиги бўйича билдирилган хабар асосида, респондент билан биргаликда, 8 соатдан ошмаган муддатда мазкур ҳолатнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уни бартараф этиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга оширади;</p> <p>ҳисобот тақдим этмаган субъектлар ҳолатига аниқлик киритиш бўйича давлат солиқ идоралари, давлат хизматлари маркази билан солиштириш ишларини ташкил этиш, ҳисобот тақдим этмаган субъектларга огоҳлантириш хатлари юбориш, алоқа телефонлари орқали, зарур ҳолларда жойига чиққан ҳолда улар ҳолатига тўлиқ аниқлик киритиш чораларини кўради;</p> <p>ҳеч қандай ҳажмларсиз ҳисобот тақдим этган ҳар бир корхона ва ташкилот бўйича бунинг сабабларини аниқлашни ташкил этади;</p> <p>ҳар бир ҳисобот шакли бўйича ҳисобот интизомини таъминланишини тўлиқ таҳлил қилади, бунда ҳисобот қамровининг тўлиқлиги, шунингдек ҳар бир корхона бўйича ҳисоботларнинг тақдим этилмаслик сабаблари ҳамда ҳар бир ҳисобот тури бўйича ҳисобот интизомининг таъминлаши тўғрисида якуний таҳлилий маълумотни шакллантиради ва бошқармага тақдим этади;</p> <p>заруриятга кўра, электрон статистика ҳисоботининг қоғоз шаклидаги нусхасини (тегишли реквизитлар, тайёрланган вақти ва санасини кўрсатган ҳолда) тайёрлайди;</p> <p>Давлат статистика кўмитаси томонидан тасдиқланган шакллар ва методология асосида ҳудудда бир марталик сўровлар, танланма кузатувларни ташкил этади, бунда танловга тушган ҳар бир ҳудуд</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
		<p>(деҳқон ва мол бозорлари, автотураргоҳлар ва бошқа жойларда) ҳамда субъектлар (савдо нуқталари, турли тармоқ ва соҳалар бўйича юридик ва жисмоний шахслар) бўйича сўровлар ва кузатувларни белгиланган тартиб бўйича тўлиқ ва сифатли ўтказилишини таъминлайди;</p> <p>ўтказилган сўровлар ва кузатувлар натижаларини таҳлил этади, қайта ишлайди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чорасини кўради, бунда хато тўлдирилган кузатув шаклларидаги маълумотларга аниқлик киритиш учун зарур ҳолларда қайта кузатув ўтказилишини ташкил этади, кузатув натижаларини дастурий комплексга киритади ва бошқармага юборади;</p> <p>ҳар чоракда, ҳудуддаги танланма кузатувга тушган кичик корхоналар ва микрофирмаларни, уларнинг танланма кузатувларга тушганликлари, кузатув шакллари Давлат статистика қўмитасининг веб-сайтида жойлаштирилган дастурий таъминот орқали электрон шаклда тўлдиришлари лозимлиги тўғрисида олдиндан хабардор қилади, уларга кузатув қоидалари, кузатув шакллари тўлдириш ва электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этади;</p> <p>Ҳукумат қарорлари ва топшириқлари билан жойларда ташкил этиладиган мониторинг ва кузатувлар (<i>кам таъминланган оилаларга кўчат тарқатиш, бюджет ташиқлотлари ходимларининг томорқаларида экин экиш ҳолати, ёпиқ ерлардан фойдаланиш аҳволи юзасидан кузатувлар, пахта ҳосилини йиғиб олиш ҳолати юзасидан кундалик мониторинг</i>)да иштирок этади маълумотларни шакллантиради ва тақдим этади.</p>
	<p>статистика, ҳисобот кўрсаткичларининг ва ўтказилган танланма кузатувлар натижаларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини таъминлайди;</p>	<p>статистик ва ҳисобот кўрсаткичларини қатъий равишда белгиланган муддатларда тайёрланишини таъминлайди, юқори идоралардан тезкор маълумот тақдим этиш юзасидан келиб тушган топшириқларни ўрнатилган муддатларда бажаради ва тақдим этилишини ташкил этади;</p> <p>тайёрланаётган ахборотларни қатъий равишда мавжуд бирламчи статистик маълумотлар асосида тайёрланишини, маълумотларни тайёрлаш, таққослаш ва умумлаштиришда ҳар бир кўрсаткични бирор бир фикр (дунёқараш)га боғлиқ бўлмаган реал статистик</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
		<p>маълумотлар тарзида холис ва беғараз ёндашган ҳолда шакллантиради;</p> <p>статистик ахборотларни барча фойдаланувчилар учун осон, тушунарли ва қулай бўлишини, барча учун статистик маълумотлар олиш имкониятларининг тенглигини таъминлайди;</p> <p>ахборотларнинг очиқ-ойдинлигини яъни махфийларидан ташқари, максимал миқдорда статистик маълумотларни чоп этилиши ва/ёки белгиланган тартибда тақдим этилишини ташкил этади;</p> <p>ахборотларнинг ошкоралигини яъни статистик маълумотлар ва ҳисоб-китобларни шакллантиришда фойдаланувчилар учун услубий тушунча ва таърифларнинг очиқлигини таъминлайди;</p> <p>туман (шаҳар) бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни (йил давомида, белгиланган тармоқлар ва соҳалар бўйича) ривожлантириш яқунлари бўйича маълумотларни таҳлил этилиши, жумладан ўтган йиллар ва даврлар кўрсаткичлари билан қиёслаб борилишини ташкил этади ва бу борада доимий ахборот-таҳлилий маълумотлар тайёрлайди.</p>
	<p>статистика ишларини ташкил этишнинг статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳар қандай аралашувини истисно қиладиган тизимини яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;</p>	<p>статистика ишларини ташкил этишда қатъий равишда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Давлат статистика қўмитаси ва бошқарма томонидан тасдиқланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, тартиблар, белгиланган меъёрлар ҳамда Бўлим низоми талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди;</p> <p>ҳисобот топширувчи субъектлардан статистика ахборотларини йиғиш жараёнида, йиғиб олинган ахборотлар асосида кўрсаткичларни қайта ишлаш ва умумлаштиришда давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳар қандай кўринишдаги аралашувига йўл қўймайди, статистик маълумотларни фақат холис, беғараз, ишончли тайёрланишини ва тақдим этилишини таъминлайди;</p> <p>статистика маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш жараёнларига бирор бир кўринишдаги</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
		<p>аралашувлар, тайзиқлар ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатлари юз берганда зудлик билан юқори давлат статистика органига ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беради.</p>
	<p>хўжалик юритувчи субъектларга ишончли давлат статистика ҳисоботларини тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашади, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг таъсирчан механизмларини амалга оширади, статистик назоратни амалга оширишнинг замонавий усулларини қўлланишини таъминлайди;</p>	<p>ҳисобот тақдим этувчи субъектларга улар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот турлари ва тақдим этиш муддатлари тўғрисида хабар беради (хатлар, алоқа телефонлари, SMS хабарлар, электрон почта орқали мурожаатлар юбориш йўли билан), шунингдек зарур ҳолларда ҳисобот тақдим этиш муддатлар тўғрисида уларга эслатмалар жўнатади;</p> <p>туман (шаҳар) ҳудудидаги оммавий ахборот воситалари орқали тақдим этиладиган ҳисобот шакллари ва муддатлари тўғрисида эълонлар ва тушунтиришлар бериб боради;</p> <p>ҳисоботларни тўлиқ ва ишончли тақдим этилишини таъминлаш мақсадида, корхона ва ташкилотлар вакиллари ўртасида давлат статистика соҳасига оид қонунчилик ҳужжатлари талаблари, соҳадаги янгиликлар, улар учун яратилган қулайликлар, ҳисоботларни тақдим этиш қоидалари тўғрисида доимий бевосита тушунтиришлар, семинарлар, “Очиқ эшиклар кунлари” ташкил этади;</p> <p>ҳисоботларни қабул қилишда маълумотларни арифметик ва мантиқий назорат қилишни таъминловчи автоматлаштирилган махсус дастурий таъминотни қўлланилишини таъминлайди;</p> <p>такомиллаштирилган дастурий таъминотлардан фойдаланишни ўзлаштиради ва ҳисобот топширувчи субъектларга дастурий таъминотни ўзлаштиришда кўмаклашади;</p> <p>танланма кузатувлар бўйича Давлат статистика қўмитаси томонидан юборилган дастурий таъминотни ўзлаштиради ва у билан ишлашни таъминлайди.</p>
	<p>фойдаланувчиларга Давлат статистика қўмитасининг ахборот ресурсларидан фойдаланишга доир тушунтиришлар беради;</p>	<p>фойдаланувчиларга Давлат статистика қўмитасининг веб-сайтдан, услубий ҳужжатлар базасидан, Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базасидан, ҳисоботларни тақдим этиш тизимини ўрнатиш ва ундан техник фойдаланишга доир тушунтиришлар ва маслаҳатлар беради</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
	<p>олинган статистика маълумотларининг махфийлигини, бирламчи ҳисобот маълумотларидан юридик шахсларнинг фаолиятини, бошқа хусусиятларини ёки миқдор кўрсаткичларини расмий тасдиқлаш мақсадида фойдаланишга йўл қўймасликни, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди;</p>	<p>давлат статистика ҳисоботларида акс этган ёки маъмурий манбалардан олинган яқка тартибдаги статистика маълумотларининг махфийлигини, давлат сирлари ва юридик шахсларнинг тижорат сирларига риоя этилишини, жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг эгаси мавҳумлаштирилишини таъминлайди;</p> <p>юридик шахслардан, уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан, жисмоний шахслар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлардан олинган бирламчи статистика ахборотлардан фақат статистика мақсадларида фойдаланади, уларни жамланма ҳолатда ва эгаси мавҳумлаштирилган тарзда эълон қилади;</p> <p>таркибида давлат сири ва тижорат сирлари бўлган статистика маълумотларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилишини таъминлайди.</p>
	<p>қонун ҳужжатларига мувофиқ, Бўлим фаолияти жараёнида юзага келган архив ҳужжатларини белгиланган тартиб ва муддатларда Бошқарма идоравий архивига тақдим этилишини таъминлайди;</p>	<p>иш юритиш тугалланган ва архив сақловига топширилиши лозим бўлган ҳужжатларни шакллантиради, уларнинг рўйхатини ва йиғма жилдларини тайёрлайди;</p> <p>архив сақловига тақдим этиладиган ҳужжатларни бошқарманинг идоравий архиви ва давлат архивларига топшириш ишларини ташкил этади.</p>
	<p>ўз ваколатлари доирасида Бўлим фаолияти жараёнида олинган хизмат, банк, тижорат сирларини ва бошқа махфий маълумотларни ўз ичига олган ахборотларни сақлаш ва ҳимоялашнинг тегишли тартибини таъминлайди;</p>	<p>Бўлимда мавжуд статистик ахборот ресурслари, жумладан статистик ахборотлар базаси, йиғма статистик маълумотларнинг фақат ушбу маълумотлардан фойдаланиш рухсатига эга бўлган ходимлар томонидан фойдаланилишини, маълумотларнинг хавфсиз сақланишини ташкил этади. Бегона шахсларнинг ушбу маълумотлардан рухсатсиз фойдаланишига йўл қўймайди.</p>
	<p><b>г) давлат органларини, юридик шахсларни ва аҳолини (худуд номи) тумани (шаҳри) бўйича статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлаш соҳасида:</b></p>	
	<p>худуднинг ривожланишини тизимли таҳлил қилиш бўйича бошқа худудий бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади;</p>	<p>худудларнинг ривожланишини тизимли таҳлил қилишда маҳаллий ҳокимлик билан маълумотлар алмашишни йўлга қўйиш, бунда маҳаллий ҳокимликлар томонидан берилган маълумотлар ёки топшириқлар асосида худуднинг ривожланиш кўрсаткичларининг шаклланиши бўйича бирламчи</p>



Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
		<p>маълумотларнинг чуқур таҳлилини олиб боради.</p> <p>давлат статистика органларига тақдим этилган ҳисобот кўрсаткичларининг ҳаққонийлигини таъминлаш ва таҳлил қилиш мақсадида ҳудудий бошқарув органлари билан ҳамкорлик ишларини амалга оширади, бунда:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- туман (шаҳар) иқтисодиёт бўлими билан ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларининг амалга оширилиши юзасидан;</li> <li>- туман (шаҳар) меҳнат бўлими билан юридик шахслар томонидан яратилаётган янги иш ўринлари юзасидан;</li> <li>- туман (шаҳар) солиқ органи билан КТЯДР маълумотлар базасидаги юридик шахсларни фаолияти ҳолатидаги ўзгаришлар юзасидан маълумотлар алмашиш ва солиштириш ишларини ташкил этади.</li> </ul>
	<p>барча фойдаланувчиларга очик маълумотлардан фойдаланиш бўйича тенг имкониятларни таъминлайди;</p>	<p>давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини белгиланган тартибда статистика маълумотлари ва таҳлилий ахборот билан таъминлайди;</p> <p>туман (шаҳар) бўйича жамланма статистика маълумотлари эълон қилинишини, жумладан оммавий ахборот воситалари орқали бериб борилишини ташкил этади;</p> <p>ҳудуддаги статистик маълумотлардан фойдаланувчиларга (юридик ва жисмоний шахсларга) уларнинг сўровига асосан белгиланган тартибда туман (шаҳар) бўйича мавжуд бўлган очик статистика ахборотларини тарқатади;</p> <p>туман (шаҳар) бўйича мавжуд бўлган очик статистика ахборотларини Интернет тармоғидаги бошқарма сайтга жойлаштириш учун тақдим этиб боради.</p>
	<p>туман (шаҳар) бўйича маълумотлар асосида маҳаллий оммавий ахборот воситаларида (маҳаллий телеканалларда) таҳлилий материаллар кенг намоиш қилиш йўли билан статистик кўрсаткичлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш чораларини кўради;</p>	<p>ҳудуднинг ривожланишини акс эттирувчи мавжуд жамланма статистик ва таҳлилий ахборотларни кенг жамоатчиликка етказиш бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш учун таҳлилий материалларни шакллантиради;</p> <p>келишилган ҳолда оммавий ахборот воситалари ва маҳаллий телеканаллар орқали статистик-таҳлилий ахборотларни бериб борилишини ташкил этади.</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
	<p>статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборотлари масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб боради;</p>	<p>Давлат статистика кўмитаси томонидан тасдиқланган давлат статистика ҳисоботлари ва кузатувлари шакллари, статистик кўрсаткичлар, расмий статистика ахборотларининг мазмуни, мақсади, зарур ҳолларда уларни шакллантириш масалалари юзасидан давлат органлари, маҳаллий ҳокимликлар, юридик шахслар ва аҳолига ахборот-тушунтириш ишларини олиб боради.</p>
	<p>шартнома асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистик, таҳлилий, ахборот хизматларини ва Давлат статистика ишлари дастуридагидан ташқари бошқа хизматларни кўрсатади;</p>	<p>қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари доирасида, туман (шаҳар) ҳудудидаги статистика ахборотларидан фойдаланувчиларга уларнинг сўровига асосан, қонунчиликда белгиланган тартибда, шартнома асосида Давлат статистика ишлари дастурида кўрсатилганларидан ташқари статистик, таҳлилий, ахборот ва бошқа хизматларни кўрсатади;</p> <p>шартнома асосида ишларни бажаришда ва хизматлар кўрсатишда, ушбу ишлар (хизматлар) бўйича хўжалик шартномаларини тўғри ва тўлиқ расмийлаштиради, ишлар (хизматлар)ни белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилишини ҳамда тўловларни шартнома шартлари асосида ўз вақтида ундирилишини таъминлайди;</p> <p>хўжалик шартномалари асосида бажарилган ишлар (хизматлар) бўйича бирламчи бухгалтерия ҳисобини юритади, белгиланган тартибда солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ҳамда тўлиқ тўланишини таъминлайди ва бу борада ҳисоботларнинг белгиланган тартибда юритилишини ташкил этади.</p>
	<p><b>д) Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини, статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистик классификациялар тизимини юритишда иштирок этиш соҳасида:</b></p>	
	<p>Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрида (ҳудуд номи) тумани (шаҳри)да жойлашган юридик шахсларни тўлиқ ҳисобга олишни ва улар фаолияти ҳолатидаги ўзгаришларни мониторинг қилишни таъминлайди;</p>	<p>Давлат хизматлари маркази ва давлат солиқ органлари билан ҳудудда янгидан ташкил этилган, фаолият кўрсатмаётган, банкрот ҳолатида бўлган, фаолияти тугатилган корхоналарни Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрида тўлиқ ҳисобга олиш ва улар фаолияти ҳолатидаги ўзгаришларни мониторинг қилиш бўйича ҳамкорлик олиб боради.</p> <p>Ҳар чоракда янгидан ташкил этилган, рўйхатда турган юридик шахслар сони тўғрисидаги маълумотларни Давлат хизматлари</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
		<p>маркази ва солиқ органлари билан солиштиради;          фойдаланувчиларга КТЯДР маълумотлари асосида ахборот-маълумотнома хизматини кўрсатади, жумладан ҳар ойда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига янги ташкил этилган, фаолият кўрсатаётган, фаолият кўрсатмаётган, тугатилган юридик шахслар сони тўғрисида маълумот тақдим этиб боради.</p> <p>фойдаланувчиларга статистик таснифлагичлар ва уларга киритиладиган ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни белгиланган тартибда тақдим этади ҳамда уларнинг сўровларига асосан ушбу таснифлагичлардан фойдаланиш юзасидан тушунтиришлар беради;          хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг статистик таснифлагичлар бўйича хос рақамлари ўзгарганда, уларга бу ҳақда хабар беришни ташкил этади, уларнинг сўровларига асосан хос рақамларининг ўзгариши сабаблари тўғрисида тушунтиришлар беради.</p>
	<p><b>е) ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлаш соҳасида:</b></p>	
	<p>статистика ахборотларининг тезкорлик билан узатилишини ва қайта ишланишини таъминловчи янги ахборот-коммуникация ресурслари ва технологияларини Бўлим фаолиятига жорий этишда иштирок этади;</p>	<p>Бўлимда мавжуд компьютер техникаси ва бошқа ахборот-коммуникация воситалари ҳамда ресурсларини соз ҳолатда ишлашини таъминлайди;</p> <p>Мавжуд ахборот-коммуникация ресурслари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда:</p> <p>белгиланган ҳисобот шакллари бўйича ҳисобот топширувчи корхоналар ва ташкилотлар рўйхатини (каталогини) шакллантиришда иштирок этади;</p> <p>электрон шаклда тақдим этилган ҳисоботлар қамровини назорат қилади;</p> <p>белгиланган давлат статистика кузатувлари натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлайди, тўплайди, таҳлил қилади, умумлаштиради;</p> <p>тезкор, дастлабки ва якуний статистика ахборотларини шакллантиради ва бошқармага тақдим этади;</p> <p>тезкор топшириқлар ҳамда сўровлар асосида статистик маълумотларни тайёрлайди;</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
		<p>Кўмита ва бошқармадан юборилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, топшириқларни қабул қилади;</p> <p>Бўлим фаолияти билан боғлиқ ҳамда берилган топшириқлар асосида тегишли маълумотларни Давлат статистика кўмитаси ва бошқармага узатади;</p> <p>электрон ҳужжат ва ахборот алмашиш ишларини ташкил этади.</p>
	<p>давлат статистика органлари ахборот ресурслари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, давлат статистикаси ахборот-ҳисоблаш тизимини рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради;</p>	<p>Бўлимда мавжуд ахборот-ҳисоблаш тизимининг рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш мақсадида, барча компьютер техникаларида логин ва пароль мавжуд бўлишини, зарур ҳолларда тегишли статистик маълумотларга пароль ўрнатилишини ташкил этади, антивирус дастурларининг доимий фаолият кўрсатишини назорат қилади;</p> <p>статистика ахборотларини йиғиш, шакллантириш, тўплаш, қайта ишлаш, умумлаштириш, тақдим этиш, шунингдек Интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги бўйича қонунчилик ҳужжатлари, Давлат статистика кўмитасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва топшириқлари талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, бунда ушбу талабларни барча ходимлар томонидан ўзлаштирилиши ва амалиётда тўғри фойдаланишларини ташкил қилади.</p>
	<p><b>ж) Бўлимнинг иш усуллари ва шакллари янада такомиллаштириш, фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириш, юкланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимлар масъулиятини ошириш соҳасида:</b></p>	
	<p>жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида Бўлим ишини такомиллаштириш бўйича амалий чоралар кўради;</p>	<p>Бўлим фаолиятини ташкил этишда амалдаги қонун ҳужжатлари, Давлат статистика кўмитаси ва бошқарма томонидан юборилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажарилишини, Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинишини таъминлайди;</p> <p>Бўлим фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида аниқ йўналишлар бўйича Бўлим ишини такомиллаштириш бўйича тегишли чоралар кўради.</p>
	<p>Бўлим кадрларининг малакаси оширилишини ва қайта</p>	<p>статистика соҳасига оид қонунчилик ҳужжатлари, халқаро</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
	тайёрланишини тизимли асосда таъминлайди;	тажрибалар, Давлат статистика қўмитаси ва бошқармадан юборилган меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатларни, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни барча ходимлар томонидан ўрганиб чиқилишини ташкил этади; Бўлим ходимларини бошқармадан юборилган жадвал асосида Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказида малака оширишларини таъминлайди.
	давлат статистикаси соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва статистик маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар билан самарали ҳамкорлик қилишни ташкил этади, улар учун максимал қулай шарт-шароитларни яратади;	<p>Фаолият кўрсатаётган, шунингдек янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектларга, улар томонидан тақдим этилиши лозим бўлган давлат статистика ҳисоботлари шакллари ва уларни тақдим этиш муддатлари тўғрисида олдиндан хабардор этиб боради.</p> <p>Жумладан, мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари, ҳудудий статистика органларининг расмий веб-сайтлари орқали, кўرғазмали стендлар ва бошқа имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда эълонлар бериб борилади.</p> <p>Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этиладиган давлат статистика ҳисоботларининг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида, давлат статистика органлари томонидан олдиндан тушунтириш-маслаҳатлар бериб бориш (консултациялар) ишлари ташкил этилади. Бунда, янгидан ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектларига ҳисоботларни тузиш ва уларни тақдим этиш тартибларини тушунтириб бориш учун мавзуга доир семинарлар ташкил этилади.</p> <p>Хўжалик юритувчи субъектлардан давлат статистика ҳисоботларини қабул қилиш, Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 24 июндаги 3-мб-сон қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил 17 июлда 2479-сон билан рўйхатга олинган “Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисида низом” талаблари асосида ташкил этилади.</p> <p>ЎзР МЖТКнинг 271-моддаси 11-бандига мувофиқ, ушбу Кодекс 215-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
		тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кунлик муддатда йўл қўйилган бузилишларни ихтиёрий равишда бартараф этган бўлса, бундай ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошламайди, бошланган иш эса тугатилади.
	фуқароларни қабул қилишни ташкил қилади, жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини, улар бўйича қарорлар қабул қилинишини ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар юборилишини таъминлайди;	Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни ҳамда бу борада Давлат статистика қўмитаси ва бошқарма томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва топшириқлар асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилади, рўйхатдан ўтказди, уларнинг белгиланган муддатларда кўриб чиқилишини, кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинишини ҳамда белгиланган тартиб ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар юборилишини ташкил этади.
	Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари томонидан давлат статистикаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишини олдини олишга қаратилган огоҳлантирувчи ва профилактика хусусиятига эга чораларни, шунингдек, аниқланган қонунбузарликлар оқибатларини бартараф этиш чораларини амалга оширади.	Жисмоний ва юридик шахслар номидан мурожаат қилувчиларга, ҳисобот қабул қилиш жараёнида ҳамда ҳисобот тақдим этувчи хўжалик юритувчи субъектларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг соҳага оид фармон ва қарорлари, статистика соҳасига оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, давлат статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш тизими, унинг қулайликлари ва афзалликлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боради; ҳисобот тақдим этувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида семинар-учрашувлар, “Очиқ эшиклар куни” ўтказди; оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этади; бўлим биносида тадбиркорлик субъектлари учун кўргазмали стендларни ташкил этади; хўжалик юритувчи субъектлар учун қўлланма (буклет)лар ишлаб чиқади ва тарқатади. Бу борада амалга оширилаётган ишлар натижалари бўйича маълумотларни жамлайди ва бошқармага тақдим этади. Давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузган, яъни ҳисоботларни тақдим этмаслик, ҳисоботларни кечикиб тақдим этиш ёки ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
		<p>ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик кодекси талабларига мувофиқ маъмурий иш материлларини расмийлаштиради, кўриб чиқади ва белгиланган тартибда жазо чораларини қўллайди.</p>
	<p>Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.</p>	<p>статистика фаолиятини ташкил этиш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини таъминлаш юзасидан амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Давлат статистика қўмитаси ва бошқарма томонидан қабул қилинган қарорлар, буйруқлар, чора-тадбирлар ҳамда топшириқларнинг белгиланган муддатларда ва тўлиқ бажарилишини таъминлайди;</p> <p>мавжуд молиявий ва моддий-техника ресурсларини давлат статистика ишларини амалга ошириш учун фойдаланади;</p> <p>Бўлим ходимларининг хизмат сафари билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиради;</p> <p>олинган фойда, амортизация ажратмалари, шунингдек бошқа тушумлардан Бўлимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш, ходимларнинг касб маҳоратини, ўз лавозим вазифаларини сифатли бажарганлигини, ижодий фаоллигини ва ташаббускорлигини рағбатлантириш учун белгиланган тартибда фойдаланади;</p> <p>ўз фаолияти натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистика ҳисоботини юритади.</p>
	<p><b>IV. Ҳуқуқ ва мажбуриятлари</b></p>	
	<p>туман (шаҳар) ҳудудидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда – уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика ҳисоботини белгиланган тартибда олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;</p>	<p>туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан белгиланган тартибда тасдиқланган давлат статистика ҳисоботларини олиш ҳуқуқини амалга оширади ва белгиланган ҳисоботларни улар томонидан тақдим этилишини назорат қилади;</p> <p>олинган давлат статистика ҳисоботлари маълумотлари ҳамда бошқа маъмурий манбалар маълумотларидан статистика мақсадларида, яъни давлат статистика ишларини бажариш, статистика ахборотларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун фойдаланади.</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
	<p>туман (шаҳар) ҳудудидаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан, давлат ташкилотларидан давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишнинг исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;</p>	<p>давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан, давлат ташкилотларидан давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни, шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни олишни таъминлайди;</p>
	<p>туман (шаҳар) ҳудудидаги юридик шахсларни ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлардан, шунингдек юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг регистрлари ва ахборот базаларини шакллантирувчи ва юритувчи давлат органлари ва уларнинг идоравий мансуб ташкилотларидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш ва фаоллаштириш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;</p>	<p>туман (шаҳар)даги юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлардан, шунингдек юридик шахслар тўғрисида маълумотларнинг регистрлари ва ахборот базаларини шакллантирувчи ва юритувчи органлардан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш ва янгиллаб бориш учун зарур маълумотларни олишни ташкил этади;</p> <p>фаолият кўрсатмаётган ва фаолияти тугатилган юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритиш юзасидан зарур ишларни амалга оширади;</p> <p>КТЯДР ва СТИРЯР Маълумотлар базасини ўзаро солиштириш натижасида аниқланган номувофиқликларни давлат солиқ органлари билан биргаликда бартараф этиш чораларини кўради.</p>
	<p>туман (шаҳар) ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шакллар ва методология бўйича олиб бориш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;</p>	<p>Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шакллар ва методология асосида ҳудуддаги кузатув танловига тушган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини ташкил этади ва ўтказади:</p> <p>бунда, ҳудудда ўтказиладиган танланма кузатувларни қатъий равишда белгиланган талаб ва қоидалар асосида, ўрнатилган муддатларда, тўлиқ ва сифатли ўтказилишини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрган ҳолда, танланма кузатувларга объектларнинг тўғри танлаб олиниши, кузатувларнинг пухта ва юқори савияда ташкил этилиши, кузатув сўровномалари (анкеталари)ни ҳаққоний ва сифатли тўлдирилиши, олинган натижаларни атрофлича таҳлил этилишини ташкил этади;</p> <p>ўтказилган кузатув натижаларини қайта ишлаш, таҳлил этиш, умумлаштириш ишларини ташкил этиб, олинган маълумотлардан фақат статистика мақсадларида, яъни давлат статистика ишларини бажариш, статистика ахборотларини тайёрлаш ва жамланма</p>



Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
		<p>ҳолатда тақдим этиш учун фойдаланишни ҳамда яқуний маълумотларни белгиланган муддатларда бошқармага тақдим этилишини таъминлайди.</p>
	<p>давлат статистика кузатувларининг методологияси ва ташкил этилиши, шунингдек расмий статистика ахборотлари билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;</p>	<p>ҳудудда фаолият кўрсатаётган, жумладан янгидан ташкил топган хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек ўз фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга давлат статистика кузатувларини ташкил этиш (давлат статистика ҳисоботлари шакллари, уларни тақдим этиш тартиби, танланма кузатувларни ўтказиш шартлари) ва уларнинг методологияси ҳамда бу борада амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари тўғрисида бевосита тушунтириш, оммавий ахборот воситаларида, кўргазмали стендларда эълонлар бериш, семинарлар, “Очиқ эшиклар куни”, давра суҳбатлари ташкил этиш, қўлланма ва буклетлар тарқатиш, сўровлар асосида ёзма тушунтиришлар бериш орқали профилактика ишларини ташкил этади, бунда:</p> <p>оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этиш, семинарлар ўтказиш – ҳар ойда бир марта;</p> <p>“Очиқ эшиклар куни” ташкил этиш – ҳар ойда икки марта;</p> <p>бошқа йўналишлар бўйича ишлар мунтазам равишда ташкил этиб борилади.</p> <p>Фойдаланувчиларга уларнинг сўровларига асосан расмий статистика маълумотларининг мазмун-моҳияти, статистик маълумотлар ва ҳисоб-китобларни шакллантиришда қўлланиладиган методологик тушунча ва таърифлар тўғрисида ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этади.</p>
	<p>барча юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан давлат статистикаси соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилиш;</p>	<p>ҳудудда жойлашган барча юридик шахслар томонидан белгиланган давлат статистика ҳисоботлари ва танлама кузатувлари шакллари ўз муддатида тақдим этилишини назорат қилади;</p>
	<p>олинаётган статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ишончлилиги ва холислигини экспертизадан ўтказиш;</p>	<p>ҳар бир ҳисобот шакли бўйича ҳисобот топширувчи субъектлар томонидан ҳисоботларни тўлиқ тақдим этилганлигини (электрон ёки қоғоз шаклида) олдиндан тайёрланган ҳисобот топширувчи респондентлар рўйхати билан солиштириб боради;</p> <p>ҳисоботларни тўлиқ тақдим этмаслик ҳолатлари аниқланганда, уларни тақдим этилмаслик сабабларига аниқлик киритади, ушбу</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
		<p>ҳолатлар бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлайди ва бошқармага тақдим этади;</p> <p>Давлат статистика қўмитаси ёки бошқарма томонидан берилган кўрсатма ёки топшириққа асосан ҳисоботлардаги мавжуд хатоликлар, номувофикликлар бўйича таҳлил ўтказиб, ҳисобот топширувчи субъектлар билан ушбу камчиликларга аниқлик киритиш ва тузатиш ишларини ташкил этади;</p> <p>келгусида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни олдини олиш ва ҳисобот топширувчи субъектларга кўп учрайдиган хато-камчиликлар тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш мақсадида, тақдим этилган ҳисоботлардаги кўрсаткичларнинг ишончилигини ва холислигини бирламчи арифметик ва мантиқий йўллар билан (арифметик хатоликлар, мантиқий қарама-қаршиликлар, аввалги ҳисобот даврлари маълумотлари билан таққослангандаги номувофикликлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги бўйича) таҳлилинини ўтказиши.</p>
	<p>давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;</p>	<p>давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш ҳолатлари кузатилганда, яъни ҳисоботларни тақдим этмаслик, ҳисоботларни кечикиб тақдим этиш ёки ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ҳоллари юз берганда, ҳисобот топширувчи субъектларга уларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар (ёзма хатлар юбориш, Интернет тармоғи орқали электрон манзилларга хабар жўнатиш, алоқа телефонлари орқали мурожаат қилиш, SMS хабарлар юбориш орқали) беради.</p>
	<p>давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузаётган мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жазо чоралари кўриш;</p>	<p>давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузаётган, яъни ҳисоботларни тақдим этмаслик, ҳисоботларни кечикиб тақдим этиш ёки ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ҳолатларига йўл қўяётган мансабдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик кодекси талабларига мувофиқ маъмурий иш материалларини кўриб чиқади, белгиланган тартибда жазо чораларини қўллашди;</p> <p>зарур ҳолларда маъмурий ишларни расмийлаштириш учун бошқа идоралар ва ташкилотлардан тегишли ҳужжатларни, маълумотларни далил сифатида сўраб олади ва иш материалларига қўшади;</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
		<p>қўлланилган маъмурий жарималар тўғрисидаги маълумотлар расмийлаштирилгандан сўнг бир иш куни давомида Давлат статистика қўмитасининг Маъмурий жарималарни ҳисобга олиш электрон базасига (1-АП) киритади;</p> <p>ҳуқуқбузарларга қўлланилган маъмурий жарималарни ундириш чораларини кўради, бунда маъмурий жарима қўлланилган мансабдор шахслар билан жарималарни тўлаш қоидалари бўйича тушунтириш ишларини ташкил этади, зарур ҳолларда тўловни кечиктираётган ҳуқуқбузарларга жарималарни ўз вақтида тўланиши лозимлиги тўғрисида огоҳлантириш хатларини юборади;</p> <p>ҳуқуқбузарлар томонидан белгиланган муддатларда тўланмаган маъмурий жарималарни тегишли тартибда ундирилишини таъминлаш мақсадида, зарур ҳужжатларни шакллантиради ва тегишли тартибда ундириш учун Мажбурий ижро бюросига тақдим этади.</p>
	<p>давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга қўлланиладиган маъмурий жарималардан тушумлар ҳисобига Давлат статистика қўмитасининг махсус жамғармасини шакллантиришда иштирок этиш ва ундан белгиланган тартибда фойдаланиш;</p>	<p>давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузганлиги учун мансабдор шахсларга қўлланилган маъмурий жарималардан тушумларни Махсус жамғарма ҳисоб рақамига келиб тушишини мониторинг қилади, бунда ҳудуддаги банк муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади ва улардан тегишли маълумотларни олиншини таъминлайди;</p> <p>ундирилган маъмурий жарималар тўғрисида, ушбу маълумотлар келиб тушгандан сўнг бир иш куни давомида тегишли маълумотларни Маъмурий жарималарни ҳисобга олиш электрон (1-АП) базасига киритиб боради;</p> <p>қўлланилган маъмурий жарималардан келиб тушган тушумлар ҳисобини тўлиқчилигини таъминлаш мақсадида бошқарманинг Бухгалтерия ҳисоби ва моливий ишлар бўлими билан ўзаро солиштириш ишларини ташкил этади;</p> <p>Махсус жамғарма ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлардан фақат жамғарма низомида кўзда тутилган мақсадлар учун фойдаланади.</p>
	<p>шартнома асосида статистик, таҳлилий, ахборот хизматлари ва Давлат статистика ишлари дастуридан ташқари бошқа хизматларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда</p>	<p>туман (шаҳар) ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларга улар билан тузилган шартнома асосида статистик, таҳлилий, ахборот-ҳисоблаш ва статистика соҳасига оид бошқа</p>

Т/р	Низом бўйича вазифалари ва функциялари	Бажарилиши лозим бўлган ишлар
	кўрсатиш;	хизматлар кўрсатади ва ишларни амалга оширади; шартнома асосида ишларни бажаришда ва хизматлар кўрсатишда, бу борада хўжалик шартномаларини тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилиши, ишлар (хизматлар)нинг белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилиши ҳамда тўловларни ўз вақтида ундирилишини таъминлайди.
	қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Бўлим ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, рағбатлантириш, мукофотлаш ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш.	Бўлим ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, рағбатлантириш, мукофотлаш ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини Бошқарма томонидан ажратилган маблағлар ва хўжалик ҳисобидан тушумлар ҳисобига Бошқарма томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширади.